

## Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик

Талаба - ёшларни ўқув жараёнларида қишлоқ хўжалиги техникалари билан яқиндан танишиш ҳамда битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида мамлакатимизда фаолият олиб бораётган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликлар кучайтирилмоқда.

Жорий йилнинг 29 январ куни Американинг **“John Deere”** компаниясининг Ўзбекистондаги **“LANDTECH”** МЧЖ қўшма корхонаси раҳбарлари ва масъул ходимлари институтимизга таклиф қилинди. Улар билан “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультети профессор - ўқитувчилари ҳамда талаба - ёшлари ўртасида учрашув ташкиллантирилди. Меҳмон ходимлар талабалар билан корхона фаолияти ва унга иш билан таъминлаш масалалари бўйича давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда **“John Deere”** компаниясининг Ўзбекистондаги масъул вакили **Нил Кенси ва “LANDTECH” МЧЖ қўшма корхонаси раҳбари Ботир Исроиловлар** меҳмон сифатида иштирок этиб, “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультети профессор - ўқитувчилари ҳамда талаба - ёшларини қизиқтирган саволларига жавоб бериб боришди. Тадбир сўнгида институт раҳбарияти ва **“LANDTECH” МЧЖ қўшма корхонаси** раҳбарлари ўртасида ҳамкорлик меморандуми тузилиб имзоланди.



**“Қишлоқ хўжалигини механизациялаш” факультети Маънавий - маърифий ишлар бўйича декан ўринбосари И.Рахимов**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**